

**“ХАЗОРАСП ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ  
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ  
УМУМЙЙ ЙИГИЛИШИ  
2-СОН БАЁННОМАСИ**

Хоразм вилояти, Хазорасп  
тумани, Н. Машаринов кўчаси,  
2-уй.

2025 йил 15 август.

Умумий йиғилишнинг ўтishi жойи: Хоразм вилояти, Хазорасп тумани, Н. Машаринов кўчаси 2 уйда “Хазорасп пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **10:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **10:50**

Акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилиш бошланган вақт: **11:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – 2 918 106

“Хазорасп пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) жамият бош директорининг 2025 йил 23 июльдаги 01/37-сон таклиф хати инобатга олиниб, кузатув кенгаши томонидан 2025 йил 24 июльда қабул қилинган қарорга мувофиқ ўтказилмоқда.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана – 2025 йил 11 август.

Жамият кузатув кенгашининг аъзоси К.Хусаинова йиғилиш раёсатини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1. Искандаров Махмудбай Қодирбердиевич - “Хоразмпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси” АЖ тугатиш бўйича комиссия раиси-йиғилишда раислик қилувчи;

2. Хусаинова Қундузхон Равшонбековна – жамият кузатув кенгаши аъзоси;

3. Аллаберганов Сарварбек Худойназарович - жамият бош директори;

“Хоразмпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси” АЖ тугатиш бўйича комиссия раиси М.Искандаровни йиғилишда раислик қилувчи этиб ва жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати мутахассиси Хўжаниёзов Азамат Султонбоевични йиғилиш котиби этиб сайлаш таклифини киритди.

Акциядорлар томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилишда раислик қилувчи этиб М.Искандаров ва йиғилиш котиби этиб А. Хўжаниёзов сайланди.

Йиғилишни, йиғилишда раислик қилувчи М.Искандаров очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш катнашчиларини қутлаб, йиғилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни санок комиссияси аъзоси А. Хўжаниёзовга берди.

Санок комиссияси ахбороти:

“Қимматли коғозлар Марказий Депозитарийси” томонидан 2025 йил 11 август ҳолатига шакллантирилган “Хазорасп пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 647 та акциядорга тегишли 2 918 106 дона акциялар катнашини мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 1 626 660 дона овоз берувчи акцияларга

эга бўлган 3 та акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 55,74% ни ташкил этади ва йигилиш ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

Йигилишга таклиф этилганлар:

С. Аллаберганов – жамият бош директори;

М.Мадаминов – жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори, бош ҳисобчи.

Йигилишда раислик қилувчи М. Искандаров йигилиш кун тартибини эълон қилди.

### **КУН ТАРТИБИ:**

1. “Хазорасп пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йигилишнинг регламентини ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш.

2. “Хазорасп пахта тозалаш” АЖ ихтиёрий тугатиш тўғрисида.

3. “Хазорасп пахта тозалаш” АЖ тугатиш комиссиясини тайинлаш тўғрисида.

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

**Кун тартибидаги биринчи масала бўйича** йигилишда раислик қилувчи М. Искандаров сўзга чиқиб, йигилиш регламентини йигилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди. Мазкур йигилиш кун тартибида 3 та масала кўрсатилганлигини ва ҳар бир масала бўйича маърузачига - 10 (ўн) дақиқадан, муҳокама учун - 20 (йигирма) дақиқадан вақт ажратилиши мақсадга мувофиқ эканлигини, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Шунга асосан, жамият кузатув кенгашининг 2025 йил 16 июлдаги йигилиш қарорига кўра санок комиссияси таркибига жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи – Азамат Хўжаниёзов Султонбоевич, бош ҳисобчи Мадаминов Махсудбек Кўчқорович ҳамда материал ва иш ҳақи бўлими ҳисобчиси – Санжар Абдурахманов Собиржанович номзодларини киритиш таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан Умумий йигилишининг регламенти ва санок комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 1 626 660 та овоз билан 100,0 %; “Қаршиллар”- йўқ;**

**“Бетарафлар”- йўқ.**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилиши қарор қилади:

1. Жамият акциядорлари навбатдан ташқари умумий йигилишининг регламенти ва уч кишидан иборат қуйидаги таркибда санок комиссияси тасдиқлансин:

1) Хўжаниёзов Азамат Султонбоевич ;

2) Мадамшинов Махсудбек Қўчқорович;

3) Абдурахманов Санжар Собиржонович.

Кўп тартибдаги иккинчи масала бўйича - “Хоразмпахтасаноат ХБ” АЖ тугатилиш комиссияси раиси йиғилишида раислик қилувчи М.Искандаров сўзга чиқиб, қўйилганларни маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4633-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Монополияга қарши курашни қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан бир ой муддатда “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш бўйича “йўл харитаси” ни тасдиқлашнинг белгиланган.

Ушбу вазифалардан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги 02/1-668-сонли “Йўл харита”си тасдиқланди ва “Йўл харита”нинг 4-бандига асосан ҳудудий “Пахтасаноат бирлашмалари” АЖларни тугатиш жараёنларини якунлаш, тугатиш муддатлари ўтган ҳудудий бирлашмаларни тугатиш жараёнларини тиклаш масаласини бошқарув органлари мажлисларида кўриб чиқилиш вазифалари белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4633-сонли қарорига асосан “Ўзпахтасаноат” АЖ ва унинг тизимидаги корхоналарни тугатишни жадаллаштириш, харажатларни қисқартириш мақсадида жамиятнинг “Ўзпахтасаноат” АЖ тизимидаги бошқа жамиятга қўшини ёки ихтиёрий тугатиш масаласини қонунчиликда белгиланган тартибда жамият акциядорлари умумий йиғилишида кўриб чиқилиш режалаштирилган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 ноябрдаги 914-сон ҳамда 2021 йил 10 декабрдаги 747-сон қарорларига асосан “Хазорасп пахта тозалаш” АЖ (жамият қоши пахта тайёрлаш маскани, пахта тозалаш заводи) ва унга қарашли “Питнак” ва “Тунроққалъа” пахта тайёрлаш маскани 2020 йил 13 августда тузилган 63 сон, 2020 йил 15 октябрда 81 сон, 2020 йил 5 ноябрда 82 сон, 2020 йил 12 декабрда 86 сон ва 2021 йил 24 декабрдаги 44 сонли олди-сотди шартномаларга асосан “Hazorasp-Textil” МЧЖга 37 107 021 602 сўмга (ҚҚС билан) 5 йил муддатда бўлиб тўлаш (тенг миқдордаги йиллик тўловлар) шарти билан сотилган эди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 декабрдаги 747-сон қарорига асосан “Хазорасп пахта тозалаш” АЖ га қарашли “Питнак” ва “Тунроққалъа” пахта тайёрлов масканларини 2022 йил 2 февральдаги 1-2 сон, олди-сотди шартномаларга асосан “Tunroqqala-Textil” МЧЖга 7 060 006 454 сўмга (ҚҚС билан) 5 йил муддатда бўлиб тўлаш (тенг миқдордаги йиллик тўловлар) шарти билан сотилган эди.

Жамият мол-мулклари кластер корхонасига сотилганлиги сабабли 2020-2021-2022-2023-2024-2025 йиллар давомида тумандаги фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган пахта хом-ашёси жамиятда қайта ишлаш мақсадида қабул қилинмади ҳамда товар маҳсулоти ишлаб чиқарилиши йўқ яъни жамият фаолият кўрсатгани йўқ.

Бугунги кунда, кластер корхоналарига сотилган мол-мулклар бўйича ҳисоб-китоблар 2025 йил 01 август ҳолатига кластер корхонаси қарздорлиги 7 336 596 минг сўмни ташкил қилиб, буидан бўлиб жамиятнинг асосий фаолияти билан ёки бошқа фаолият билан шугулланиш имконияти маъжуд эмаслиги сабабли, жамиятнинг ихтиёрий тугатиш масаласи акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилиши муҳокама қилиниши лозим топилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 98-моддасига мувофиқ ихтиёрий равишда тугатилаётган жамият акциядорларининг умумий йиғилиши жамиятни тугатиш ва тугатувчининг тайинлаш ҳақида қарор қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги 704-сон қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларининг ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 5-бандига асосан тижорат ташкилотининг ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарорда қуйидагилар кўрсатилади:

тугатилаётган тадбиркорлик субъекти тўғрисидаги маълумотлар (тўлиқ ва қисқартirilган номи, солиқ тўловчининг идентификация рақами, почта манзили); “Хазорасп пахта тозалаш” АЖ, (СТИР: 200420080, Индекс: 220700), [Hazorasp-paxta@yandex.ru](mailto:Hazorasp-paxta@yandex.ru)

тугатувчи ҳақидаги маълумотлар (паспорт маълумотлари, телефон рақами ва электрон почта манзили);

тугатилаётган тадбиркорлик субъекти бўйича мурожаатларни қабул қилиш жойи ва муддати;

тадбиркорлик субъектининг тугатиш сабаби ва мўлжалланаётган тугатиш муддати.

Юқоридагилардан келиб чиқиб “Хазорасп пахта тозалаш” АЖнинг ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисида қуйидаги қарорни қабул қилиш таклиф этилди.

1. Хоразм вилояти, Хазорасп тумани, Н. Машарипов кўчаси 2 уй манзилида жойлашган (СТИР: 200420080, Индекс: 220700) “Хазорасп пахта тозалаш” акциядорлик жамияти (“Хазорасп пахта тозалаш” АЖ) ихтиёрий равишда тугатилсин.

2. Тугатилаётган “Хазорасп пахта тозалаш” АЖ бўйича мурожаатлар тугатиш тўғрисидаги эълон чиққан пайтдан эътиборан олти ой давомида Хоразм вилояти, Хазорасп тумани, Н. Машарипов кўчаси, 2-уй манзилида қабул қилинсин.

Шундан сўнг ушбу масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу маласа юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 1 626 660 та овоз билан 100,0 %; “Қаршилар”- йўқ;**

**“Бетарафлар”- йўқ;**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Хоразм вилояти, Хазорасп тумани, Н. Машарипов кўчаси 2 уй манзилида жойлашган (СТИР: 200420080, Индекс: 220700) “Хазорасп пахта тозалаш” акциядорлик жамияти (“Хазорасп пахта тозалаш” АЖ) ихтиёрий равишда тугатилсин.

2. Тугатилаётган “Хазорасп пахта тозалаш” АЖ бўйича мурожаатлар тугатиш тўғрисидаги эълон чиққан пайтдан эътиборан олти ой давомида

Хоразм вилояти, Хазорасп тумани, П. Манаринов кўчаси, 2-уй манзилида қабул қилинсин.

Қуи тартибдаги учинчи масала бўйича “Хоразмнахтасаноат ХБ” АЖ тугатиш комиссияси аъзоси К.Хусаннова сўз олиб, тугатиш комиссияси таркибига “Хазорасп пахта тозалаш” АЖнинг амалдаги директори С.Аллаберганов, бош ҳисобчи М. Мадаминов, юрист А. Рўзимов, корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи А.Хўжаниёзов ва материал харажатлар иш хақи ҳисобчиси С. Абдурахмановлар киритилишини таклиф этилди.

Тугатилаётган “Хазорасп пахта тозалаш” АЖнинг тугатиш муддатигача бўлган даврга харажатлар сметаси иловата мувофиқ тасдиқлангани таклиф қилди.

Тугатиш комиссияси таркибини қуйидаги таркибда тасдиқлаш таклиф этилди:

- 1) Аллаберганов Сарварбек - “Хазорасп пахта тозалаш” АЖ бош директори, тугатиш комиссияси раиси;
- 2) Мадаминов Махсудбек Кўчқорович - “Хазорасп пахта тозалаш” АЖ молиявий масалалар бўйича директори-бош ҳисобчи, тугатиш комиссияси аъзоси;
- 3) Хўжаниёзов Азамат Султонбоевич - “Хазорасп пахта тозалаш” АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи, тугатиш комиссияси аъзоси;
- 4) Худайберганов Эгамберди Дусчанович - “Хазорасп пахта тозалаш” АЖ Бош механик, тугатиш комиссияси аъзоси.
- 5) Абдурахманов Санджар Собиржанович - “Хазорасп пахта тозалаш” АЖ материал ва иш хақи ҳисобчиси тугатиш комиссияси аъзоси.

Шундан сўнг ушбу масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу маласа юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 1 626 660 та овоз билан 100,0 %; “Қаршилар”- йўқ;  
“Бетарафлар”- йўқ;

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Қуи тартибдаги Учинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

1. “Хазорасп пахта тозалаш” АЖ тугатиш комиссияси таркиби қуйидаги шахслардан иборат этиб тайинлансин.

- 1) Аллаберганов Сарварбек - “Хазорасп пахта тозалаш” АЖ бош директори, тугатиш комиссияси раиси;
- 2) Мадаминов Махсудбек Кўчқорович - “Хазорасп пахта тозалаш” АЖ молиявий масалалар бўйича директори-бош ҳисобчи, тугатиш комиссияси аъзоси;

- 3) Хўжаниёзов Азамат Султонбоевич - “Хазорасп пахта тозалаш” АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи, тугатини комиссияси аъзоси;
- 4) Худайбергенов Эгамберди Дусчанович - “Хазорасп пахта тозалаш” АЖ Бош механик, тугатини комиссияси аъзоси.
- 5) Абдурахманов Санджар Собиржанович - “Хазорасп пахта тозалаш” АЖ материал ва инн хақи ҳисобчиси тугатини комиссияси аъзоси.

2. “Хазорасп пахта тозалаш” АЖнинг тугатувчи қилиб Аллаберганов Сарварбек Худойназарович (паспорт AD1342268 Хоразм вилояти, Қўшқуспир тумани ИИБ томонидан 12.05.2022 йилда берилган. Турар жойи Ургенч шаҳар Ислон обод маҳалласи юксални кучаси 8 тор 20 уй) тайинланган. АЖ ин ишонч қозонисиз биринчи нмзо қўйини ва бошқа қонун доирасида тугатувчига берилган ҳуқуқларни фойдаланиш ҳуқуқи берилган ИНПС 31012887120014 тел+99897-514-50-05, “Хазорасп пахта тозалаш” акциядорлик жамият Н. Машаринов кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган (СТИР: 200420080, Индекс: 220700) ихтиёрий равишда тугатилган.

3. “Хазорасп пахта тозалаш” АЖ тугатини комиссияси ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб ўз фаолиятини амалдаги қонунчиликка, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги 704-сонли қарорига асосан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатини ва уларнинг фаолиятини тўхтатини тартиби тўғрисида”ги Низом талабларидан келиб чиқиб ташкил этган.

4. “Хазорасп пахта тозалаш” АЖ тугатини комиссиясини тўлиқ фаолият кўрсатиш учун барча шарт-шароитларини (комиссия аъзоларининг инн хақи, хизмат хоналар, компьютер, телефон, интернет, канцтовар ва бошқалар) яратиш мақсадида тугатини комиссияси томонидан харажатлар сметаси ишлаб чиқилган ва “Хоразмнахтасаноат ХБ” АЖ билан келишилган ҳолда тасдиқланган.

5. “Хазорасп пахта тозалаш” АЖ тугатини комиссиясининг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар сметасининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот жамият акциядорларининг навбатдан ташқари йиғилишида кўриб чиқилиши белгиланган.

6. “Хазорасп пахта тозалаш” АЖ тугатини комиссияси ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб ўз фаолиятини амалдаги қонунчиликка, шу жумладан Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги 704-сонли қарорига асосан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатини ва уларнинг фаолиятини тўхтатини тартиби тўғрисида”ги Низом ҳамда “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида белгиланган талаб ва тартибдан келиб чиқиб ташкил этган, жумладан:

- жамиятнинг тугатини бўйича амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартиб ва муддатларини ўз ичига олган режани тасдиқлаш;

-жамиятнинг тугатилиши ва жамият кредиторлари талабларини билдириш тартиби ва муддатлари ҳақида оммавий ахборот воситаларида эълон бериш;

-жамиятнинг активлари ва мажбуриятларини қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда хатловдан ўтказиш, шу жумладан жамият қарздор сифатида иштирок этган ижро ҳужжатлари реестрини тузиш;

-жамият ходимлари билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 161-моддаси иккинчи қисми 1-бандига асосан меҳнат шартномасини бекор қилиш;

-жамият акциядор (иштирокчи) бўлган ташкилотлардаги улушларини тасдиқловчи ҳужжатларини (депо ҳисоб рақамдан кўчирма, гувоҳнома) хатлов ўтказиш санаи ҳолатига олиш;

-жамиятнинг дебиторлик қарзларини ундириш;

-Давлат солиқ хизмати органи томонидан жамиятнинг молния-хўжалик фаолиятини текширишни (тафтиш қилишни) ўтказилишини таъминлаш;

-кредиторлар томонидан талаблар тақдим этилиши учун белгиланган муддат тугагач давлат солиқ хизмати органи томонидан ўтказилган текшириш натижаларини, шунингдек, тузилган ижро ҳужжатлари реестрини ҳисобга олган ҳолда оралик тугатиш баланси лойиҳасини тузиш;

-савдога қўйилган санадан бошлаб икки ой мобайнида сотилмаган мол-мулкни кредиторларга баҳолаш суммасида белгиланган навбатга риоя этган ҳолда мулк этиб қабул қилишни таклиф этиш;

-Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар-нинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 100-моддасида белгиланган тартибда жамиятнинг кредиторлар билан ҳисоб-китоблардан кейин қолган мол-мулкни акциядорлар ўртасида тақсимланишини ва тугатиш билан боғлиқ бошқа чора-тадбирларни амалга оширилишини таъминласин.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи М.Искандаров акциядорларга уларнинг иштироки учун миннатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.

Йиғилишда раислик қилувчи:



М. Искандаров

Йиғилиш котиби:



А.Хўжанпёзов

Йиғилиш баённомаси

7 август куни икки нусхада тузилди.

